

# Халқ Сўзи



• ҲОКИМЛИКЛАРДА

## ЛОЙИХАЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент шаҳри ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал ва Ҳужалик-процессуал кодексларининг лойиҳалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлди.

Унда Тошкент шаҳридан сайланган Олий Мажлис депутатлари, прокуратура, адлия, суд, адвокатура идоралари вакиллари иштирок этди.  
Олий Мажлис Кўнсуллик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳидинова ва бошқа сўзга чиққанлар ҳар иккала лойиҳанинг республикамизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутажак ўрни ва аҳамияти ҳақида, шунингдек, бу мажмуаларни янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Ўз муҳбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

24 июнь, сешанба, 1997 йил  
Сотувида эркин нархда. № 134 (1651)

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ГАЛЛАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!  
Сизларни эришган галабангиз -- галла топириши бўйича йиллик маррани мамлакатимизда биринчи бўлиб эгалаганингиз билан чин дилдан қўтлайман!

Маълумки, Хоразм воҳасида деҳқончилик қилишининг ўзига хос мурракб ва машаққатли жиҳатлари бор. Иқлим шароитининг оғирлиги, Орол денгизи билан боғлиқ экологик ҳолат вилоят деҳқонларидан, мутахассис ва раҳбарлардан алоҳида тажриба, билим, меҳнат ва матонат талаб этади.

Хоразмликларнинг азалдан ўз деҳқончилиги аъёнлари ва мактаблари мавжудки, улар маҳаллий шароитга

мос уруғ танлаб ва агротехника усулларини моҳирона қўллаб, гектаридан 41 центнердан ҳосил олдилар. Бу билан воҳанинг мурракб ва иқлим шароитида юқори самарага эришиши мумкинлигини исботладилар.


Вилоят галлакорларига, механизаторларига, дала ишларининг моҳир мутахассисларига, барча меҳнат аҳлига чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Эзу меҳнатинингизнинг самараси яхши кунларга буржисин, юртимиз оқибат, дастурхонимиз тўкин бўлсин.

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

## ЭЗГУ МЕҲНАТ САМАРАСИ

Вилоятда галла етиштиришни кўпайтириш ва бошқоқли дон ҳосилдорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Галлакорлар қабул пунктларига 28 минг тоннадан зиёд юқори сифатли дон топириб, давлат буюртмасини республикада биринчи бўлиб бажардилар.



Ҳосили ўриб-янчиб олинган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 41 центнердан хирмон уйилди. Аҳолига қарашли 12 минг гектардан зиёд томорқадан йиғиштириб олинган дон эса 50 минг тоннадан ошди. Воҳа галлачилиги тарихида биринчи марта шундай ютуққа эришилди.

Галла етиштиришнинг ўзига хос агротехникасини пухта ўзлаштириб олган Шовот тумани галлакорлари ҳосилдорликлари 48, Хонқа тумани деҳқонлари 42 центнерга етказдилар. Шовот туманидаги «Соҳибкор», «Гу-

лимон», «Хоразм», Богот туманидаги «Богот», Хонқа туманидаги «Хоразм», «Галаба», ал-Хоразмий, Урганч туманидаги «Пахтакор» ва бошқа бир қатор хўжалиқларда эса бу кўрсаткич 50-60 центнерни ташкил этди.

Вилоят галлазорларида урим-йиғим жадал давом этмоқда. Шу билан бирга, ҳосилдан бўшаган майдонларга тезлишар шоли, озуқа ва сазавот экинлари экилмоқда.

А. СОБИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЯНГИ АСАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбари **Ислом Каримовнинг** «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққийёт кафолатлари» номли китобининг нашр этилиши жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеалар.

Термиз шаҳар ҳокимлигида ушбу китобни ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлди.

Нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларнинг нуфузли сиёсий доираларида юқори баҳоланаётган бу китоб муҳокамасини Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Уткир Раҳматов бошлаб берди. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов мазкур китобнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан уртоқлашди. Ҳуқуқшунослик фанлари доктори А. Саидов, журналистлар А. Усмонов, Н. Жўраев ва бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам эътибор билан тингланди.

Президентимизнинг сиёсий дастур, деб баҳоланаётган мазкур китобни тақдиримизга бағишланган йиғилишда Сурхондарё вилоят ҳокими Жўра Но-

ралиев сўзга чиқди. **Т. РАЗЗОҚ,** «Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Йийикота қишлоғидаги маданият саройида юр-тобимиз асарини ўрганишга бағишланган йиғилишда шаҳар ва туман ҳокимликлари, халқ таълими, маданият муассасалари ходимлари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси У. Ҳошимов, республика Давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Шогуломов, адиб Х. Султонов ва бошқалар йиғилишда сўзга чиқиб, китобнинг тараққиётимизнинг ҳозирги бошқача ҳақидаги аҳамияти, ёрқин келажакка эришиш йул-да дастуриламал бўлиб хизмат қилиши хусусида гапирдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Э. Рўзиев сўзга чиқди.

Фаргона, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ҳокимликларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиде ҳам ана шундай йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э. Воҳидов, Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси У. Ҳошимов, олим ва ёзувчилар Х. Бобоев, Э. Аъзамов, И. Гафуров, А. Суюн, А. Турсунов ва бошқалар мамлакатимиз раҳбарининг янги китобида Ватаннинг раҳнаи, миллатимиз келажакки билан боғлиқ масалалар чуқур ва теран таҳлил этилганлигини таъкидлашди.

Йиғилишларда вилоят ҳокимлари Н. Мўминов, А. Мардиев, Ш. Мирзиёев, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков сўзга чиқдилар.

(ЎзА).

**Кизилтепа туманидаги «Зармитан» деҳқон-фермер хўжалиқлари уюшмасида сутни қайта ишлайдиган завод ишга тушди.**

## ЗАРМИТАНДА СУТ ЗАВОДИ

Унда мазкур хўжалиқда етиштири-лаётган сут қайта ишланиб, сариёғ, пишлоқ, қатиқ ва бошқа маҳсулотлар тайёрлана бошланди. Шу ерга яқин оилавий фермер хўжалиқлар ҳам корхонага ўз маҳсулотини топириши имконига эга бўлди.

(ЎзА).

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ

«Халқ сўзи»нинг байрамолди йўқламаси




Халқимиз ҳаётидаги энг азиз, энг ёрқин байрам -- Ўзбекистон мустақиллиги куни яқинлашмоқда. Бундан олти йил муқаддам республикамиз аҳли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига асосланган демократик давлат қуришга қатъий аҳд қилган эди. Бугунги кунга келиб, халқимиз таъинланган ушбу йўл нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлади.

Мустақиллик ва суверенитет Ўзбекистон учун жаҳон ҳамжамиятига жадал ва мустақам интеграциялаш, барча давлатлар билан тенгҳуқуқлик ва ўзаро манфаатли асосда муносабатлар ўрнатилиши имконини берди. Утган йиллар мобайнида республикамизда иқтисодий- ижтимоий, маданий соҳаларда, жамият ҳаётининг ҳамма жаҳаларида туб ўзгаришлар юз берди.

Бунинг барча минтақаларда кузатиши мумкин. Шу боис биз бугундан бошлаб -- «Халқ сўзи»нинг байрамолди йўқламаси» руқни остида мамлакатимиз вилоятларида меҳнат аҳли мустақиллик кунини қандай ютуқлар билан қўтиб олаётгани ҳақида ҳикоя қилиб боришга қарор қилдик. Дастлабки туркум мақолалар **ТОШКЕНТ** вилоятига бағишланади.

## ЎРИМ-ЙИҒИМДА ҲАР ДАҚИҚА БАҒИМАТ

Хали тонг бўзармасданок, галлазорларда қудратли қомбайнларнинг наъраси янграйди. Бошқоқли донни ўриб-янчиш қизгин паллага кирган. Иш суръати чакки эмас.



Хали тонг бўзармасданок, галлазорларда қудратли қомбайнларнинг наъраси янграйди. Бошқоқли донни ўриб-янчиш қизгин паллага кирган. Иш суръати чакки эмас.

Негаки, ушбу масъулиятли мавсумга олинган пухта ҳозирлик кўрилади: ҳамма техника воситалари барвақт тахт қилиб қўйилди, уларни урим-йиғим жараёнида таъмирлаб бориш, ёнгли-мойлаш ашёлари билан таъмирлаш масалалари режалаштириб олинди. Шунингдек, қомбайнчилар, ҳайдовчилар, тракторчиларнинг овқатлашиши ва ҳордиқ чиқарилишини кўнгилдагидек уюштириш масаласи ҳам эсдан чиқарилгани йўқ.

Бу йил пойтахт вилоятда 125,850 гектар ерга бошқоқли дон экилди. Ҳосил ҳам ҳар йилгидан мўл. Эндиги вази-фа -- уни қисқа муддатда нест-нобуд қилмай, ўриб-янчиб олишдан иборат. Вилоят ҳокимлиги томонидан урим-йиғим қатнашчиларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатта ҳақ тулаш бўйича тузилган тадбирлар, муҳими, галлакорлар ва қомбайнчиларнинг гайрат-шижоатлари мавсумнинг муваффақиятли якунла-нишиндан далолат бермоқда.

Биз Янгийўл туманидаги «Ковунчи» жамоа хўжалигида бўлганимизда, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Деҳқонлар 435 гектар буюд-зорнинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олишмоқчи. Ҳосил чўзи эса бундан-да юк-сак хирмон уолишини кўр-сатмоқда.



«Бу йил ҳамма экинларининг анжи баланд, -- дейди хўжалиқнинг тафтиш комиссиси раиси Абдулла Сар-босов. -- Худо хоҳласа, яқинда деҳқонларимиз мўмай даромад-ни қўлга киритишади. Пленка остига экилган гўза аллақачон гуллаган. Демак, жорий йилда теримта бир ой илгари туша-миз. Буларнинг ҳаммаси

деҳқончиликда катта ижобий ўзгаришлар даври бошлангани шарофатдир. Чунки деҳқон ўз меҳнати натижа-сидан моддий манфаатдор бўлмоқда. Бу эса ҳамманг бирдек жон куйдириб меҳнат қилишга даяват этаётди.

## ДАЛИЛЛАР СЎЗЛАЙДИКИ...

• 1997 йилнинг биринчи майга қадар вилоятда умумий ташқи савдо обороти 264,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шундан экспорт миқдори 161 миллион, импорт эса 103,6 миллион долларга тенгдир.  
• Ёқилиг-энергетика саноатида 102,5 фоиз, кўмир саноатида 105,5 фоиз ўсишга эришилди. Индустри-янинг кимё тармоғида шу йилнинг беш ой мобайнида утган йилнинг шу давридагига нисбатан 159 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.  
• Экспортёрлар сифига қўшилган «Беак АТД» фирмаси май ойида Россияга 59,1 минг, Қозғоғистонга эса 13,1 минг долларлик маҳсулот жўнатди.

## ПАРИЖДА БУХОРО ВА ХИВА БАЙРАМИ

Франция пойтахтида Ўзбекистоннинг тарихий ва меъморчилик дурдоналари бўлмиш Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги нишонланди

ЮНЕСКО Бош конференцияси қарорига кўра, бу сана бутун дунё бўйлаб байрам қилинади. Мазкур нуфузли ташкилот штаб-квартирасининг ўтган ҳафтаи ушбу байрамга бағишланган воқеаларга бой бўлди. Айтиш жоиз, Ўзбекистон илози йилдирик, кетма-кет Бирлашган Миллатлар Ташкилотига маориф, фан ва маданият масалалари, халқимиз тарихи ва маънавий бойликлари билан бевосита боғлиқ тадбирлар орқали кенг миқолада таништирилмоқда.

Утган йили буюқ давлат арбиби Амир Темирунинг 680 йиллиги нишонланди. Ушунда Парижда ЮНЕСКО ҳамийлигида «Темирийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг ривож» мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президентини Ислом Каримов ва Франция Президенти Жак Ширакнинг ЮНЕСКО штаб-квартирасидаги кўргазма очилишидаги иштироклари бу воқеага алоҳида шухуқ бағиш-лади.

Бу галги байрам ўша юбилейнинг мантиқий давомидир. Унинг дастуридан Бухоро ва Хивага бағишланган кўргазма, «Буюқ ипак йўли» номли театрлаштирилган кўрсатув ва театралар санат усул-лари концерти ўрин олган. Юбилей тадбирлари 16 июнь куни ЮНЕСКО раҳбарлари, дипломатия корпуси вакиллари, қўсонли меҳмонлар ва мамлакатимиз хай-яти аъзолари иштирокида кўргазманинг очилиши билан бош-ланди. Уни Ўзбекистон Республи-каси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Норов ва ЮНЕСКО Бош директори Ф. Майор оч-дилар.

Бухорони шариф ва афсонавий Хива маданият, фан ва маориф ўчоғи бўлгани ҳолда башариятга булар доҳларини етказиб берди. Улар инсоният цивилизацияси ха-зинасига катта улаш қўшдилар. Уйғонинг даври олимлари илмий дунёқарашининг шаклланишида бе-восита таъсир кўрсатдилар.

Ўзбекистон хайати раҳбари В. Норов сўзининг охирида республи-камиз раҳбарияти ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон илм-фани ривож, ма-даният ва маънавий меросини сақлаб қолтиришга саъй-ҳаракат-ларини юқори баҳолайди, деб таъ-кидлади.  
Ф. Майор жавоб нутқида Бухоро ва Хива минг йиллар илгари ма-даният ва маънавий қадриятлари бунёд этгани, умуминсоний ма-даний меросни бойитган шаҳарлар бўганини айтиб ўтди.  
Ф. Майор ўзининг Самарқанд ва Бухорога қилган савъатида тарихий ва меъморий ёдгорликлардан завқланганини алоҳида таъкидлаб, айниқса, мени Самарқанддаги Улугбек расадхонаси, Урта аср Шарқ олим томонидан қилingan астрономик ҳисоб-китобларнинг аниқлиги лол қолдириди, -- деди у.

ЮНЕСКО Бош директори Ўзбекистон Президентини Ислом Каримовнинг минтақадаги барқарор-лиқни сақлаб туриш, ўз халқи ма-даний бойликлари ва маънавий ме-росини ортириш ҳамда мамлакат-нинг Бирлашган Миллатлар Ташки-лоти билан маориф, фан ва мада-ният масалалари бўйича мустақам алоқалар ўрнатишдаги ролини юқори баҳолади.  
Ф. Майор Ўзбек хайати аъзо-ларидан Ўзбекистон Президентига ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон учун бел-гилаган барча дастурларнинг тўла ҳолда амалга оширилажиги ҳақидаги ишончини етказишни сўради.  
Кўргазма очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош ва-зири ўринбосари А. Азизқўжаев иштирок этди. ...  
16 июнь кечқурун Парижнинг Маринь театрида Бухоро ва Хива-нинг 2500 йиллиги муносабати билан ЮНЕСКОда ўтказиладиган юби-лей тадбирларига бағишланган Ўзбекистон маданияти кўналари «Буюқ ипак йўли» спектакли билан бошланди. Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг Давлат маслаҳатчиси В. Ж. ДЕҲҚОНОВ, «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири, Париж.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 24 июни-дан бошлаб ҳисоб ва бошқона туловлари учун хорижий валюта-ларнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади: *)			
1 Австралия доллари	46,70	1 Франция франки	10,66
1 Австрия шиллинги	5,11	1 Швейцария франки	8,06
1 Англия фунт стерлинги	102,93	1 Швейцария франки	43,13
10 Бельгия франки	17,43	1 ЭКО	70,39
1 Голландия гулдени	31,96	10 Жапуйи Корея воли	0,70
10 Грения драҳмаси	2,28	10 Япония иенаси	5,38
1 Дания кронаси	9,44	1000 Россия рубли	10,76
1 БАА дирҳами	16,94	1 Украина гривнас	33,49
1 АҚШ доллари	62,20	1000 Беларусь рубли	2,31
1 Миср фунти	18,36	1 Эстония кронаси	4,91
1 Ирландия фунти	93,64	1 Латвия лэти	108,17
1 Исландия кронаси	0,89	1 Латвия лэти	15,55
10 Исландия иенаси	4,26	1000 Туркия доллари	0,42
100 Италия лираси	3,68	1 Қозғоғистон теппеси	0,82
1 Канада доллари	44,74	1 Қирғизистон соми	3,69


\*) валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Респу-бликаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: МУСТАКИЛЛИК ЙҮЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ

«ХАЛҚ СЎЗИ»НИНГ БАЙРАМОДДИ ЙҮҚЛАМАСИ



СУРАТЛАРДА: Йўлдош Сатторов 30 йилдан бери Бўка туманидаги автосаройда ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Йўловчилар унинг хизматидан мамнун; Ангрен ГРЭСи жамоаси ҳам халқ хўжалигини, ҳам аҳолини электр қуввати билан узлуksuz таъминлаб келмоқда. Т. КАРИМОВ олган суратлар.



## Қўшма корхонада аккумулятор чиқарилмоқда

Ангрендаги «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида барпо этилган Ўзбекистон — Канада — Россия қўшма корхонасида дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилганига бир ойдан ошди

Аккумуляторлар тайёрланган мазкур қўшма корхонанинг ишга тушиши республика иқтисодиётида муҳим воқеа бўлганини таърифлаб ўтириш шарт бўлмаса керак. Негаки, республикамиз автомобилсозлик индустриясига эга бўлган давлатлар сафидан аллақачон ўрин олган. Асакадаги «ЎДЭУавто» заводи ички бозорни енгил автомашиналар билан таъминлабгина қолмай, ҳатто ўз маҳсулотларини хориж бозорига ҳам чиқармоқда. Бинобарин, мамлакатимизда аккумуляторга бўлган эҳтиж катта. Ҳозирча эса унинг асосий қисми четдан келтирилмоқда. Янги қўшма корхонада ил охиригача 20 мингта аккумулятор ишлаб чиқарилади. Бироқ унинг имкониятлари чексиз: лойиҳа қуввати кўра, бу кўрсаткичи 150 мингтага етказиш мумкин. Яқин келажакда ана шу қувват, албатта, ўзлаштирилади. Негаки, корхона замонвий талаблар асосида қурилган. Канадаликлар йиғув конвейери ва ускуналарни, россияликлар эса технология йиғувчи, синовчи, жойлаштирувчи касбларни пухта эгаллаб қайтиштиди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу корхонанинг маҳсулотлари келажакда экспорт ҳам қилинади. Бундан келадиган валюта ҳисобига эса ишлаб чиқариш янада кенгайтирилиб, такомиллаштирилади.

Хорижий фирмаларнинг «Ўзбекрезинатехника» билан ҳамкорлик қилишига қизиқётганининг сабаби бундир. Бу бирлашмада турли хил бўумлар ишлаб чиқариш учун яхшигина база мавжуд. Ҳозир бу ерда авиация, қон-қайта ишлаш, пахта тозалаш ва машинасозлик соҳалари учун резинадан зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Аммо корхонанинг салоҳияти бу билан чекланмайди. Бирлашма раҳбарлари айти кунларда ривожланган мамлакатларнинг бошқа нуфузли фирмалари билан ҳам ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш режаларини тuzмоқдалар.

Бундай табириларни мунтазам равишда ўтказиб бориш режалаштирилиб кўйилди.

**Н. ХҲҲАЕВА.**

## ДАЛИЛЛАР СЎЗЛАЙДИКИ...

- 1997 йилнинг ўтган ойлари мобайнида вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,4 фоиз ўсди.
- Умумий саноат ишлаб чиқаришнинг 47,5 фоизи нодавлат сектор улушига тўғри келади.
- Металлургия тармоғида, айниқса, салмоқли натижаларга эришилди. 1997 йилнинг беш ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 554,4 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.
- Шу даврда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 фоиз кўпайди. Бунга Янгийўл шаҳри, Қибрай ва Ўрта Чирчиқ туманлари саноатчилари, айниқса, муносиб ҳисса қўшишлар.

## ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

Мамлакат тараққиёти, жамият равнақи билимли ёшлар қўлида. Президентимизнинг маориф тизимида жиддий ислохотлар зарурлигини бот-бот ўқтираётгани боиси ҳам шу. Мухбиримиз Бухоро вилоятда сафарда бўлиб, халқ таълими соҳасида қилинган ислохотлар ҳусусида мутахассислар билан суҳбатлади.

**М. НАРЗИЕВ, Бухоро вилояти Болалар ва ўсимлар бўйича тарбиявий ишлар маркази директори:**

— Ёшларга тарбия бериш, касбга йўналтириш долзарб вазифалардан биридир. Илим билан ҳунар уйғунлиги эса жамиятимизнинг тараққиёти даракчиси. Шу боис 1992 йили Болалар ва ўсимлар бўйича тарбиявий ишлар маркази ташкил этилган эди. Ушбу масканга мактаблардан ташқари «Еш табиатшўнаслар», «Еш сайёҳ — ўлкашўнаслар», «Болалар бадий ижодиёти», «Еш техниклар» масканлари бирилштирилди. Уларнинг фаолияти янада мустаҳкамланди.

Бу ерда асосий вазифа — ўқув дастурлари ва услубий тавсияномалар ишлаб чиқиш ва chop этиш, иқтидорли болаларни ишлаб топшиш, уларни қизиқишларига қараб тўғраракларга жалб этишдан иборат. Вилоят миқёсида оммавий тадбирлар — байрамлар, мусобақалар ва олимпиадалар ўзлаштирилмоқда. Шунингдек, турли ўқув юртлири ҳамда маданият-маърифий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинапти. Айниқса, вилоятимизда тарбияси оғир болалар ва ўсимларнинг қизиқиш ва интилишлари ҳисобга олинган. Улар учун алоҳида тўғрараклар ташкил этилди. Бу ўз самарасини берапти, албатта. Шунингдек, ҳар йил ўтказилиб келинаётган «Иқтидорли болалар» республика анжуманида ҳам кўпал истеъдодли ўқувчиларимиз қатнашиб келмоқда. Мавжуд 46 та мактабдан ташқари мусассада 25046 нафар ўқувчи турли-туман тўғраракларга жалб

этилан. Уларга бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароити талаблари муаммоли ўрнатилмапти.

Тўғри, марказда барча ишларимиз ҳам кўнгилдагидек эмас. Утиш даврининг ўзига хос мураккабликлари бизнинг 246 та спорт зали, 1568 та спорт майдончаси бор. Туриси, бу старли кўрсаткич эмас.

Вилоят тармоқ жамоаси IV-Республика ўрта умумтаълим ва билим юртлири спартакиадасида ёй отиш ва дзю-до бўйича биринчи, спортнинг бадий гимнастика, футбол туридан иккинчи, баскетбол бўйича ўтказилган мусобақада учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, оғир атлетикада бешинчи, волейбол ва қўл тўпи, эркин кучраш соҳасидан олтинчи ўрин соҳиби бўлишди.

Бу натижалар юқори бўлиши мумкин. Бироқ заллар етишмайди. Машғулот учун зарур кийим-кечак масаласи кўнгилдагидек эмас. Маҳоратли мураббийлар йўқ ҳисоби. Сабоби, маош масаласида муаммолар ҳал этилмаган. Маҳоратли мураббийлар учун тўлиқ шарт-шароит йўқ. Республикамиз ёшлари камолати учун қайғуралган пайт келди. Жумладан, Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси ушбу масалага жиддий эътибор қаратиши лозим.

Ҳозир жуда кўпал ёшларимиз спорт билан шугулланиш истагини билдиришмоқда. Юртимиз истиқболи ёшлар қўлида. Бугун ҳар жиҳатдан ўткир фикрлайдиган, ақли расо, дунёвий билимлар нуридан тафаккури тобора қарогон тортиб бораётган янги авлод шаклланапти. Давр талаби ҳам

Билим юртимизда таълим олаётган қизларнинг 80 фоизи қишлоқ ёшлари ҳисобланади. Таълим жараёлида ўз-ўзидан савол туғилади: ҳозирги замон аёли қандай бўлмоғи керак? Бозор иқтисодиёти даврида унинг ўрни қасрда? Ойладами? Жамиятдами? Шу боис биз мактаблар учун бошланғич синф ҳамда меҳнат таълими ўқитувчилари ҳамда бочча тарбиячиларини тайёрлар эканмиз, уларни иккинчи мутахассисликка ҳам ўргатиб борапмиз. Жумладан, меҳнат таълими бошқармасидан қуйидаги ахборотни олдик.

Бухорода 82815 нафар болага мўлжалланган 773 та мактабга тарбия муассасаси фаолият кўрсатапти. Уларда 54 минг 282 бола тарбияланади. Фарзандларни мактабга тарбия муассасаларида жалб этиш 23,5 фоизни ташкил этиди.

Болаларни тарбия муассасаларига жалб этишни кўпайтириш мақсадида «Мехрибонлик» боғчалари ва гуруҳлари ташкил этилди. Бугун улар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ишлаб турибди. Мазкур даргоҳларга кам таъминланган оилалар фарзандлари халқ таълими билимлари қосидаги махсус комиссия орқали жойлаштирилди.

Болалар боғчаларида ўқув-тарбия, соғломлаштириш ишлари янада ривожлантириш мақсадида германиялик мутахассислар жалб қилинган. Улардан таълим-тарбия тузилмаларидаги ижобий ишларни ўзлаштириш шубҳасиз фойдаланилиши мумкин. Келажакда мазкур эртаси бўлган болажонларимиз қисмати учун қайғуриш, уларни маънавий туқлик сари бошлашда ҳар биримиз маъсуллик юқини ҳис қилишимиз жоиз. Болаларимиз боғчаданок ўз тасаввурини бойитиши, хорижий тилларни ўрганиб бориши керак.

Боланинг боғчани ёмон ёки яхши кўриши учун тарбия ишларининг қай даражада йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Бола қалиб гулдан-ла нозик. У ҳамма нарсани ўз имконияти ва тасаввурини ҳудудда ўлчади. Бола кўнгли меҳрини ўз боғча орасидан топа олмаса, шундангина у ерга бормайман, дейиши мумкин.

Бола тарбияси, унинг маънавий жиҳатдан етук инсон бўлиб етишиши давримизнинг асосий муаммоларидан биридир. Ушбу масала вилоятда яқин вақт мобайнида ўз ечимини топади, деб ўйлаймиз.

Мирқарим МИРСАВУРОВ.

## ТАРБИЯ ТАҚДИРИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

нинг «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолигини баҳш этади», деб айтган фикрлари мамлакатимиз миқёсида давлат сиёсати даражасига қўйилди. Шу боис биз талабаларимизга миллатимизнинг мардик тисмоллари бўлган Алл Эр Тунга, Қул Теги, Жалолиддин Манғуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо, Курбонжон Доҳо каби ватан тақдири учун жон фидо қилган улўр эрлар жасорати, уларнинг қарашлари, ўй-хаёли, интилишлари ҳақида пухта таҳлил маълумотлар бериб борапмиз. Юрт истиқлолини қуйлаган Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби оташнафас ижодкорлар илгари сурган гоёлар моҳиятини ўқув масқанида таҳсил олаётган қизларимиз имкон даражасида англаб ўлғуриништириш, деб ўйлаймиз. Биз уларни бўлғуси касбга тайёрлаш билан бирга, ҳаёт ва турмуш одобига ҳам ўргатиб борапмиз. Даре жараёнида синфдан ташқаридаги тадбирларда, турли клубларда ҳар хил мавзулар бўйича машғулотлар ўтказилади.

**МУХБИР ШАРҲИ:**  
**БОЛА БОҒЧАНИ ЁМОН КўРАДИМИ?**  
(Йўқ, дейишли бухоролик мутасалли раҳбарлар. Демак, вилоятда боғчалар аҳоли дурруст бўлса керак. Халқ таъли-

ми бошқармасидан қуйидаги ахборотни олдик).

ми бошқармасидан қуйидаги ахборотни олдик).

**Кўчқор НОРҚОБИЛ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## СИФАТИГА ТАРАФ ЙҮҚ

Андижонда Жанубий Корея билан ҳамкорликда барпо этилган «ЎзКорам-Ко» қўшма корхонаси иш бошлади. У Асака енгил автомобиллари учун олдинги ҳамда орқа вамперлар ва ички панеллар етказиб беради.

Ўзбекистон мўъжизаси «Тико», «Дамас», «Нексия» ларнинг шўҳрати тобора ортиб бормоқда. Бу машиналарнинг доврўги бугун Марказий Осиё мамлакатларидан ўтиб, ҳатто Европа сарҳадларига ҳам етиб борди. Эндиликда мазкур заводга бутловчи қисмлар етказиб берувчи қатор қўшма корхоналар қад ростлапти. Ана шу корхоналарда келгусида бундай маҳсулотларнинг 80 фоизи ишлаб чиқарилади.

«ЎзКорам-Ко» қўшма корхонаси қисқа муддат қуриб битказилди. Бунда, айниқса, «Андижонқурилиш» ҳиссадорлик жамияти, 2-қишлоқ қурилиши ҳиссадорлик жамияти, вилоят қурилиш-таъмирлаш ҳиссадорлик жамияти бичоркорлари ғайрат кўрсатдилар. Бу корхонага Жанубий Корея, Япониядан олиб келинган замонвий дастгоҳлар ўрнатилган. Уларнинг ақсариятини Жа-

нубий Кореяда малака ошириб келган маҳаллий ёшлар бошқармоқдалар.

— Ҳозирча вамперлар ва автомобилларнинг ички панелларини ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди корхона раҳбари Шўҳрат Қаҳҳоров, — Барча жараёнлар автоматлашган. Шу боис маҳсулот сифати юқори бўлаётир. Биз Асака автомобилсозлари учун бир йилда қанча бутловчи қисмлар керак бўлса, шунча микдорда тайёрлаб берамиз. Бу борда корейс мутахассислари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**АНЪАНА**

## ФАХРИЙЛАР ТАЖРИБАСИ -- БЕБАҲО МАКТАБ

**Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ички бозорни товарлар ва кенг истеъмол маҳсулотлари билан тўлдириб ҳозирги кундаги муҳим масалалардан биридир.**

Бу борда божхона ходимлари зиммасига гоят катта масъулият юқлатилган. Зеро, халқимиз эҳтиж учун зарур бўлган товар-моддий бойликларини асраш, иқтисодий соҳадаги қонунбузарлик ҳолларининг олдини олиш, гўёқўвандликка қарши кураш улардан қатъият ва ҳушёрлик билан иш юритиши тақозо этади.

Республика Бош божхона бошқармаси раҳбарияти ана шу талаблардан келиб чиқиб, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишга жиддий аҳамият бермоқда. Кеска авлод тажрибаси ёшлар учун катта мактабдир. Яқинда бу ерда бўлиб ўтган анъанавий учрашувга соҳа фахрийлари, ёш божхоначилар ҳамда божқарма қосидаги ўқув марказида таҳсил олаётган тинловчилар тақлиф этилди. Бир пилёа чоё устидаги гурунда божхона ходимининг маънавий қиёфаси, бурчи ва маъсулияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар баён қилинди, тармоқ ишини яхшилашга оид тажрибалар ўртоқлашилди.

— Маълумки, божхона ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартномаларда қўзғалган қоидаларга асосан иш юритадилар. — деди ўз сўзида божқарма бошлигининг ўринбосари Ш. Раҳимов. — Бу эса шахсий таркиб кадрлардан сиёсий ҳушёрликни, касб-маҳорати ва билимларини муттаҳсил такомиллаштириб боришни талаб этади. Шу маънода, ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиши яхши самара бераётир. Жумладан, 1527 нафар божхоначи синовалардан муваффақиятли ўтди ва сифимизга қўшилди. Тармоқ ходимларининг малакасини оширишга бағишланган семинарларда чет эллик экспертлар ҳам иштирок этиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашаётдилар. Машғулотларда амалдаги қонун ва қонунчилик ҳужжатлари чуқур ўрганилапти. Бош божқарма ҳўзуридаги ўқув маркази ўқитувчиларидан бир гуруҳи яқинда Нидерландияда бўлиб, малака ошириб қайтишди. Бу каби тадбирлардан мақсад мамлакатимизда замонвий божхона хизматини такомиллаштириш, унинг бутун жаҳон божхона тизимида дадил кириб боришига эришишдан иборатдир.

Учрашувда божхона ишини ислоҳ қилиш соҳасида муайян ютуқларга эришилётгани таъкидланди. Соҳа фахрийларидан Э. Иноғомов, Р. Пирмуҳаммедов, М. Азимов ва бошқалар ёшларга муурожаат қилиб, уларни кеска авлод анъаналарини ардоқлашга, она-Ватанини севинишга, хизмат бурчинга ҳамиша содиқ бўлишга даъват этдилар.

**Хўраматли «Ипак йўли» акциядорлик-инновация тижорат банкининг векселлари эгалари!**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 22 майдаги 11-1-99 сонли қарорини баҳарини мақсадида «Ипак йўли» акциядорлик-тижорат банки векселларини шу йилнинг 1 июлигача тўлашга тақдим этишини сўраймиз.

1997 йил 1 июлигача тўлашга тақдим этилмаса, векселни тўлаш муддати чўзилди.

**Векселлар қуйидаги манзилда тўланади:**  
Тошкент 700135,  
**Мўлжал:** «Чилонзор» даҳаси, 16-мавзе, Фарҳод кўчаси, 12-а-уй.

## «ДУНИ ДАРАЖЛАРИ»

### ЕВРОПАНИНГ ҚАДДИНИ КЎТАРГАН РЕЖА

Европа халқлари қитъа мамлакатлари тарихида муносиб ўрин эгаллаган «Маршалл режаси»нинг 50 йиллигини кенг нишонламоқда. Шу муносабат билан Гаага шаҳрида йирик давлатлар раҳбарлари иштирокида катта тантана бўлиб ўтди.

лар зиммасига эркин тadbиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, хусусий АҚШ сармояларини рағбатлантириш, божхона тарифларини камайтириш, молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадларига ажратилган маблағларнинг қандай сарфланаётгани тўғрисида доимо ҳисобот бериб бориш вазифалари юклатилган эди. Томонларнинг ўзаро бир-бирларини тушуниши руҳида тузилган ушбу режа қисқа фурсат ичида ўз самарасини берди. Ҳар томонлама аянчи аҳолига тушиб қолган мамлакатларга ўз иқтисодиётини барқарор йўлга тушириб олишга муваффақ бўлди. Бу кейинчалик Европа давлатларининг юксак тараққиётга эришишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

«Маршалл режаси» иккинчи жаҳон урушидан азият чеккан, хонавайрон бўлган Европани қайта тиклаш ва ривожлантиришга мўлжалланган иқтисодий ва сиёсий тadbирлар дастури бўлиб, уни АҚШ Давлат котиби Жорж Маршалл 1947 йили илгари сурганди. Мазкур дастур тўрт қисмдан иборат. Кўплаб давлатларнинг ёрдам бериш тўғрисидаги тақлидлари тизимини ишлаб чиқиш, Европа мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотиқ ишларини бошқариш, грантлар ва заёмларни муомалага чиқариш, европаликларга АҚШ тadbиркорлари тажрибасини ўргатиш ва бошқа техник ёрдамларни амалга ошириш унинг асосий вазифалари сирасига кирди.

1951 йил 30 декабрда «Маршалл режаси» ўз фаолиятини тугатди. Унинг ўрнига ўзаро хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги Қонун кучга кирди. Бу Қонун бир вақтинч ўзида ҳам қарбий, ҳам иқтисодий кўмак беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Мазкур режаси учун Жорж Маршалл Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Туркия иштирок этиш истagini билдирди. Кейинроқ белгиланган тadbирлар ГФРда ҳам амалга оширила бошланди. Собиқ Совет Иттифоқи ва Шарқий Европа социалистик мамлакатлари эса «Маршалл режаси»да қатнашишдан бош тортиди. 1947 йилнинг 12-15 июль кунлари Париж шаҳрида «Маршалл режаси»га аъзо мамлакатларнинг конференцияси ўтказилди. Унда Европани қайта тиклаш дастурини тузиш мақсадида Европа Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотини таъсис этилди. Кўп ўтмай, у Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, деб номланди.

«Дастлаб бу режани рўёбга чиқариш ишида 16 давлат: Буюк Британия, Франция, Италия, Бельгия, Голландия, Люксембург, Швеция, Норвегия, Дания, Ирландия, Исландия, Португалия, Австралия, Швейцария, Греция ва



Зангиота туманидаги «Соҳибкор» маҳалласи гузарода барпо этилган «Рахиситла» кичик корхонаси аҳолига намунали хизмат қилмоқда. СУРАТЛАРДА: кичик корхонанинг умумий кўриши; неон савдоси.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: МУСТАҚИЛЛИК ЙҮЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ



Т. КАРИМОВ олган сураатлар.

### ДАЛИЛЛАР СЎЗЛАЙДИКИ...

• Олмалиқ кон-металлургия комбинати Хитой, Италия, Швейцария, Туркия, Нидерландия, Германия, Россия ва Украинага рангли металллар жўнатмоқда.

• Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металллар заводи маҳсулотларининг 4,9 фоизи Германия, АҚШ, Корея Республикасига, «Электромисаноат» эса 4,1 фоиз буюмларини Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатларга экспорт қилаётир.

• Бу ҳудудда энг йирик экспортёрлар «Қобул-Тўйтепа текстиль», «Фар-Итал», «Тракторэҳтиёт-Кисилар» қўшма корхоналари бўлиб, уларнинг виллоят умумий экспортдаги улуши 14,6 фоизга тенг.

### Қишлоқ врачлик пунктларини барпо этиш ҳаракати ўзини тўла оқлаётганини Бекобод тумани мисолида яққол кўриш мумкин. У пойтахт виллоятидаги аҳоли энг зич яшайдиган ҳудудда худуди кенг туманлардан биридир.

## ҚИШЛОҚ АҲЛИ СОҒЛИҒИНИ ҲАМ

Қишлоқда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифадир. Зеро, мавжуд врачлик амбулаториялари ва фельдшерлик-акушерлик пунктлари одамлар саломатлигини муҳофаза қилишни тўла таъминлай олмайд. Чунки тиббий жиҳозлар ва малакали мутахассислар етишмайди.

— «Авангард» ва «Шолик» жамоа хўжаликларидagi эски амбулаториялар негизда янги қишлоқ врачлик пунктлари очилди, — дейди туман марказий шифохонаси бош врач Эркин Қодиров. — Энди бу ерда физиотерапия муолажасини амалга ошириш учун барча имкониятлар бор. Ҳатто кундузги стационар ишлаб турибди. Туманда юқумли касалликлар сони ҳам кескин камайди. Санитария-гигиена меъёrlарини бузувчиларга нисбатан эса қатъий талаблар қўйилмоқда.

— Йил бошидан буён санитария қондаларини бузган юздан зиёд савдо ва манший хизмат ходимига маъмурий жазо чораси қўрилди, — дейди туман санэпидстанциясининг бош давлат санитария врач Риббин Бобоев.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолисоғлигини муҳофаза қилиш тиббиёт муассасаларининг доимий диққат марказида турибди.



Талиб ота умрини эл-юрт хизматига бағишлайди. Норбуви ая болалар, невра-эвараларни мўмин-қобил қилиб тарбиялашни ўзининг ҳаётий бурчи деб билиди. Шу боис бу оила нафақат «Янги турмуш» маҳалласи, балки Зангиота туманида ҳам иззат-хурмат қозongan. СУРАТДА: Талиб ота ва Норбуви ая невра-эваралари дoврасида.

### ИХТИЛОФЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Иордан ларёсининг гарбий соҳили -- Хевронда Исроил аскарлари билан фаластинликлар ўртасидаги ихтилоф ҳамон давом этмоқда. Бу ҳар икки томондан кўплас одамларнинг жараҳатланишига сабаб бўлаётти.

Маълумки, шу йилнинг март ойида Исроил ҳукумати Шарқий Қудудса яҳудийлар учун уй-жойлар қуришни режалаштирган эди. Шундан буюн Исроил-Фаластин муозкараларида айтирли ўзгаришлар бўлмаётти.

### АҚШнинг Денвер шаҳрида «катта саккизлик» раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви нихоясига етди.

«КАТТА САККИЗЛИК»НИНГ УЧРАШУВИ

Унда АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Канада, Италия ва Россия давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этди. «Саммит»да жаҳон миқёсидаги сиёсий, иқтисодий-ижтимоий масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Олий даражадаги учрашув якунида 8 мамлакат раҳбарлари қўшма баёнот қабул қилдилар.

### КўРГАЗМА НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Франция пойтахти Париж яқинидаги Ле-Бурже шаҳрида самолётлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унда ўнлаб давлатлар ўз ҳаво лайнерларини ушбу тadbир иштироқчиларига тақлиф этишди. Кўргазмада Россия Федерациясининг «XXI аср қирувчи самолёти» номини олган замонавий «Су-37» лайнери ҳам намойишга қўйилди.

### ҚўЛГА ОЛИНДИ

«Интерпол» томонидан 4 йилдан буюн қидирилаётган албаниялик наркомания сардори Али-Элини чехиялик полицаиячилар қўлга олишди.

### Швейцарияда 96 нафар ана шундай жиноят оламидаги «китлар» фаолиятига нуқта қўйилган.

Хорижий матбуот хабарлари асосида ўз мухбиримиз Х. АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

## АПКАЛ-Г

самарали дори бўлиб, қуйидаги мақсадларда ва болалар учун ҳам қўлланиш мумкин:

- суяк-бўғин аъзоларини мустаҳкамлаш;
- тиш эмалини мустаҳкамлаш;
- аллергия хастаишлари ба рахитнинг олдини олиш.

Меъри: кунига икки маҳал бир таблеткадан.



## Давлат қисқа муддатли облигацияларининг 21016UMFS чиқарилишини жойлаштириш тўғрисидаги ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан, 1997 йил 25 июнда давлат қисқа муддатли облигацияларининг ўн олтинчи чиқарилишини сотиш бўйича «Кимощди» савдоси ўтказилишини эълон қилади.

а) Чиқарилиш рақами: 21016UMFS;  
б) Чиқарилиш ҳажми: 3 500 000 000 (уч миллиард беш юз миллион) сўм;  
в) Облигациянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм;  
г) Облигациянинг тўлови муддати: 1997 йил 24 сентябрь;  
д) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари -- ҳуқуқий шахслар облигацияларни сотиб олиши мумкин.  
е) Рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг максимал миқдори ҳар бир дилер рақобатдош талабномаси ҳажмининг 20 фоиздан ортиқ бўлмаган лозим.

«Кимощди» савдоси 1997 йил 25 июнь кунини соат 10.00 да Тошкент шаҳрида ўтказилади.

«Кимощди» савдоси ва иккиламчи савдолар қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳқўчаси, 6-уй, республика Валюта биржаси.

Облигацияларни сотиш ёки харид қилишни хоҳлаган ва облигацияларнинг чиқарилиш шартларига мувофиқ, шу ҳуқуққа эга бўлган шахслар ва ташкилотлар қуйидаги руйхати берилаётган дилер-банкларнинг исталганига мурожаат қилишлари мумкин.

Дилер	Манзил, телефон
1. «Ўзсаноатқурилиш» банки	Тошкент ш., А. Тўқай кўчаси, 3, тел.: 33-24-86, 36-14-77, 33-85-05
2. Миллий банк	Тошкент ш., Охунбобоев кўчаси, 23, тел.: 33-17-12, 33-74-15
3. Ўзпахтабанк	Тошкент ш., Муқимий кўчаси, 43, тел.: 78-10-94, 77-91-66
4. Халқ банки	Тошкент ш., Қатортол кўчаси, 46, тел.: 78-29-45, 78-29-81, 78-82-14
5. Ғаллабанк	Тошкент ш., Лохутий кўчаси, 36, тел.: 36-16-17
6. "Турон" АТББ	Тошкент ш., Навоий кўчаси, 44, тел.: 42-23-85
7. Ўзприватбанк	Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 51, тел.: 39-16-63, 39-14-42, 39-46-19, 39-10-18
8. Ипак йўли АИТБ	Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 12а, тел.: 76-89-73
9. Тошўйжойкамғармабанк	Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 17, тел.: 33-11-22, 36-32-31, 36-33-31, 33-29-57
10. Алоқабанк	Тошкент ш., Толстой кўчаси, 1, тел.: 36-10-21
11. Трастбанк	Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7, тел.: 41-01-10, 41-04-43
12. Асакабанк	Тошкент ш., Нукус кўчаси, 67, тел.: 54-04-50, 54-18-74
13. АБН АМРОБАНК	Тошкент ш., Х. Олимжон майдони, Бизнес-Комплекс, 4-подъезд тел.: 32-00-70, 32-00-76
14. Андиджонбанк	Андиджон ш., Бобур шоҳ кўчаси, 85, тел.: 45-33-69 (Тошкент), 4-36-88 (Андиджон)
15. УзДЭУ Банк	Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 1, тел.: 32-06-04, 32-06-41, 32-06-42, 32-06-45

## 21013UMFS чиқарилишидаги давлат қисқа муддатли облигацияларини қоплаш тўғрисидаги ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан, 1997 йил 25 июнда ўн учинчи чиқарилишдаги давлат қисқа муддатли облигацияларининг тўлови амалга оширилишини маълум қилади.

а) Чиқарилиш рақами: 21013UMFS;  
б) Чиқарилиш ҳажми: 3 300 000 000 (уч миллиард уч юз миллион) сўм;  
в) Облигациянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм;  
г) Облигациялар тўлови 1997 йил 25 июнь кунини соат 9.00 да қуйидаги манзилда амалга оширилади: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳқўчаси, 6-уй, Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси.  
21013UMFS чиқарилишидаги облигациялар тўловидан олинган маблағлардан 21016UMFS чиқарилишидаги облигацияларни харид қилишда фойдаланиш мумкин.

Тўлов билан боғлиқ масалалар бўйича облигация эгалари билан шартнома тузган дилерларга мурожаат қилиш мумкин.

## «ДУНИ ДАРАЖЛАРИ»

### 1997 йил, 17, 19 ва 20 июнь кунлари ўтказилган давлат қисқа муддатли облигацияларининг иккиламчи савдолари тўғрисидаги РАСМИЙ ҲИСОБОТ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан 21013UMFS, 21014UMFS, 21015UMFS, 22001UMFS, 22002UMFS ва 22004UMFS чиқарилишидаги давлат қисқа муддатли облигациялари бўйича Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1997 йил 17, 19 ва 20 июнь кунлари ўтказилган савдолар натижаларини эълон қилади.

Давлат қисқа муддатли облигацияларининг эмитенти -- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

Ўтказилган рақами	Тўлов кунини	Муомала бўлиш муддати	Номинал қиймати (сўм)	Ҳажми (доња)	Ҳажми (сўм)	Битимлар баҳоси*			Талабномалар баҳоси*		Епилиш баҳолари*	
						энг сўнгги	минимал	максимал	минимал соғув	максимал харид	Сотиш	Сотиш олинв
21013UMFS	25/06/97	91 кун	1000.00	450 952	449 554 048.00	99.69	99.69	99.69	99.69	99.69	-	99.51
21014UMFS	23/07/97	91 кун	1000.00	307 086	300 330 108.00	97.80	97.80	97.80	97.80	97.80	-	97.50
21015UMFS	20/08/97	91 кун	1000.00	410	389 500.00	95.00	95.00	95.00	95.00	95.00	-	94.70

Ўтказилган рақами	Тўлов кунини	Муомала бўлиш муддати	Номинал қиймати (сўм)	Ҳажми (доња)	Ҳажми (сўм)	Битимлар баҳоси*			Талабномалар баҳоси*		Епилиш баҳолари*	
						энг сўнгги	минимал	максимал	минимал соғув	максимал харид	Сотиш	Сотиш олинв
21013UMFS	25/06/97	91 кун	1000.00	20 000	19 960 000.00	99.80	99.80	99.80	99.80	99.80	-	99.50
21014UMFS	23/07/97	91 кун	1000.00	18 432	18 026 496.00	97.80	97.80	97.80	97.80	97.80	-	97.80
21015UMFS	20/08/97	91 кун	1000.00	410	397 700.00	97.00	97.00	97.00	97.00	97.00	-	95.45

Ўтказилган рақами	Тўлов кунини	Муомала бўлиш муддати	Номинал қиймати (сўм)	Ҳажми (доња)	Ҳажми (сўм)	Битимлар баҳоси*			Талабномалар баҳоси*		Епилиш баҳолари*	
						энг сўнгги	минимал	максимал	минимал соғув	максимал харид	Сотиш	Сотиш олинв
22001UMFS	10/09/97	182 кун	1000.00	0	0.00	-	-	-	-	-	-	-
22002UMFS	08/10/97	182 кун	1000.00	910	837 200.00	92.00	90.00	94.00	90.00	94.00	-	94.00
22004UMFS	10/12/97	182 кун	1000.00	1 244	1 107 152.00	89.00	87.60	91.00	87.60	91.00	-	91.00

Баҳолар номинал қийматда 0,01 аниқлик билан фоизларда кўрсатилган.

ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ:

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ

«ХАЛҚ СЎЗИ»НИНГ  
БАЙРАМОЛДИ ЙЎҚЛАМАСИ



ДАЛИЛЛАР СЎЗЛАЙДИКИ...

• Шу йилнинг беш оқи домида 256,6 минг дон қимматли қорғоз сотилди. «Кимонди» биржа савдо-сотиқи эса 532 та иншоот харид қилиниб, 195,8 миллион сўмлик тушум тушди. Соф фойда 55,4 миллион сўмни ташкил этди. 506 та янги тадбиркорлик нуқтаси барпо этилди.  
• Йил бошидан буён вилоятда 13,929 та кўшимча ишчи ўрни очилди. Шундан 9891 таси қишлоқ жойларида.  
• Қурилиш соҳасида асосий эътибор қишлоқ инфраструктурасини шакллантиришга, ижтимоий объектилар, шунингдек, кичик ва ўрта корхоналар барпо этишга қаратилмоқда. Шу мақсадларга беш ой ичида 13,936,6 миллион сўм сарфланди. 133,6 километрик газ тармоқлари ётқизилди, 3331 та уй газлаштирилди, тўққиз километр узунликдаги ичимлик суви қувурлари фойдаланишга топширилди.




Бекобод тумани шифохонаси ходими Фотима Ахмедовани аҳоли қўли енгил доя сифатида хурмат қилади.  
СУРАТДА:  
Ф. Ахмедова.



Янгийўл тумани маданият уйи ходимлари ғалаа ўрим-йиғими даврида меҳнатқашларга маданий хизмат кўрсатмоқдалар.  
СУРАТДА: маданият уйи услуббегчиси Дилфуза Садирматова.

ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТГАН ЙИГИТЛАР



Бугунги кунда спорт иншоотлари йўқ шаҳар ёки туман марказини топиш қийин. Масалан, пойтахт вилоятда кейинги йилларда ўнлаб стадион, теннис кортлари, сузи ҳавзалари барпо этилди. Бўстонлик тумани маркази -- Ҳазалкент ҳам бундан мустасно эмас.  
Туман ҳокими Абдуманнон Абдувосиқов жисмоний тарбиянинг ашаддий муҳлиси

бўлгани боис, спортни ривожлантириш йўлига кўп ишлар қиладиган.  
-- Яқинда тажрибали спортчиларимиздан Анвар Ибраев билан Бахит Оразбоев туманимиз аҳолисини гоёт мамнун этишди, -- дейди ҳоким. -- Улар кикбоксинг бўйича Осие кубоги учун Бишкекда ўтказилган биринчи очиқ мусобақада хурмат шожусасининг энг юқори поғонасига кўтарилиб, олтин медаллар билан қайтдилар.  
Ҳозир Евросиё федерациясининг халқаро рейтингда Анвар ва Бахит биринчи ўринларни эгаллаб туришибди. Бу бежиз эмас. Улар мактабда ўқиб юрган пайтларидан буён спорт билан жиддий шуғулланиб келмоқдалар.  
СУРАТДА: спорт устаси Александр Скоробогов. У 1997 йили болалар ўртасида ўтказилган вилоят чемпионатининг совриндоридир.  
Т. КАРИМОВ олган суратлар.

Чўлпон ТАВАЛЛУДИНИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИГА

Шоир зоти борки, савҳатини яхши кўради. Имкон бўлди дегунча сафарга отланиб, ўз юртининг жаннатмакон гўшалари бўйлаб сайрга чиқади.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳам шу маънода истисно бўлмаган. У, аynиқса, 20-йилларнинг бошларида, ҳали «миллатчи», «акселинкўлобчи» деган тамгалар ўйилмаган бир пайтда дўст-ёрлари билан ўзбек диёрининг турли воҳаларига савҳатга чиққан. Шунда она-Ватанга бағрини қўйган кўк-ламнинг хушбўй нафасини туйиб, яшил майсалар узра қанотлаган қушлар парвозини кузатиб, зилол шалолалар қўшиғидан «сархуш ҳолатга тушиб, ён дафтарига инжа сатрларини туширган.

Кунларнинг бирида эса унинг шоирона ҳаёлини ипак қанотли капалаклар олиб қочган. Шу кун унинг хотира дафтарига қуйидаги сўзлар қўқлам ёмири янглиғ тўқилган: «Севгига йўлққан кишининг бир қўнғил оч турсон илنجиси капалак!»

Бу қандай гўзал, қандай чиройлик маҳлуф!

Тонинг ёндан ўтиб борганимизда, қўқатлар орасидан визиллаб ўтиб чиқди. Худди меним ошқинганим биланганди, мени тирамага қараб уя бошлади. Биз-за секин борамиз, ул-да секин учу келадир.

Ортиқ биз, икки дарли, бирлашган эдик ул меним тирамазининг ёнидаги ул устига қўнғон эди. Ул сўйлагандай бўлиб, тилангандай, сайрагандай бўлиб. Чиндан-да ул мента гуллар билан ўпнаганлиги тўғрисидаги, уйноқ эртагини айтиб борар эдик...»

Чўлпон бу сўзлардан кейин гўё шу капалак айтаётган эртанги шеър йўл билан баён этган.

Мен Чўлпоннинг шундай инжа туйғулар ва кечималари билан тўқилган сатрларини ўқир эканман, у қаршида буюк лирик шоир сифатида қад кўтаргандек бўлди. Чиндан ҳам у капаладек шоҳи қанотли туйғуларга эга киши бўлиб, бу туйғуларнинг юрагининг фавора янглиғ отилиб турган. У ўзбек халқи тарихининг гоёт машаққатли даврида яшади. Давр ундан капалаклар, инжа туйғулар, руҳий қадриятлар тўғрисида эмас, балки хуррият учун, истиқлол учун, миллий тараққиёт учун кураш ҳақида ёшиши тақозо эди. Ва у ўзининг лирик созини четта суриб қўйиб, миллий уйғониш тароналарини янграйтиб юборди.

Шарқнинг эски чигалини ечайлик!  
Хўш, шоир «Шарқнинг эски чигали» деб нимани айтмоқда?  
Бу саволга Чўлпоннинг Бокуда ёзган кейинги шеърдан жавоб топгандек бўламиз. У Бокуга бориб, Каспий денгизи бўйларига кезинар экан, ёғру юлдузга қараб ушбу сўзларни айтган:

Гўла юлдўз, нурали юлдўз,

Ватаннинг келажигига катта умид билан назар ташлади. Ҳатто Октябрь инқилоби Туркистонда ғалаба қозонгандан кейин ҳам у Лениннинг миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишлари мумкинлиги ҳақидаги вадасига ишонди. Бироқ Қўқонда эълон қилинган Туркистон мухториятининг Ленин раҳамоси боғлиқ бўлган болшевиклар томонидан қонга ботирилганини ўз кўзи билан кўрди.

1920 йил августда Бокуда Шарқ халқлари курултойи бўлиб ўтди. Ўзбекистондан борган курултой қатнашчилари орасида Чўлпон ҳам бор эди. У ҳали Тошкентдалик пайтдаёқ «Улуғ йўлда» деган шеър битиб, ўзи ва маслакхош дўстларининг дилидаги армонлари ҳақида бундай ёзганди:

Ўзимизда чўлар, сувлар, денгизлар,  
Бош-учини таниб бўлмадик излар.  
Шу изларни босиб, денгизлар кечиб,  
Буюк амал билан борамиз бизлар.  
Юракдаги сақлаб юрсан амаллар  
Йўллардаги денгизлардан улуғроқ...

Шеърнинг кейинги сатрларида денгизлардан улуғроқ амалларнинг нима эканини ҳақиқатини саволга шундай жавобини топамиз:

Маҳкам қилиб боғланган камарлар,  
-- Тезрак!  
-- Қанот!  
Қушлар янглиғ учайлик.  
Кенч чўллардан, денгизлардан кечайлик,

МАДАДКОР  
РУҲ

Чўлпоннинг келажигига катта умид билан назар ташлади. Ҳатто Октябрь инқилоби Туркистонда ғалаба қозонгандан кейин ҳам у Лениннинг миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишлари мумкинлиги ҳақидаги вадасига ишонди. Бироқ Қўқонда эълон қилинган Туркистон мухториятининг Ленин раҳамоси боғлиқ бўлган болшевиклар томонидан қонга ботирилганини ўз кўзи билан кўрди.

1920 йил августда Бокуда Шарқ халқлари курултойи бўлиб ўтди. Ўзбекистондан борган курултой қатнашчилари орасида Чўлпон ҳам бор эди. У ҳали Тошкентдалик пайтдаёқ «Улуғ йўлда» деган шеър битиб, ўзи ва маслакхош дўстларининг дилидаги армонлари ҳақида бундай ёзганди:

Ўзимизда чўлар, сувлар, денгизлар,  
Бош-учини таниб бўлмадик излар.  
Шу изларни босиб, денгизлар кечиб,  
Буюк амал билан борамиз бизлар.  
Юракдаги сақлаб юрсан амаллар  
Йўллардаги денгизлардан улуғроқ...

Шеърнинг кейинги сатрларида денгизлардан улуғроқ амалларнинг нима эканини ҳақиқатини саволга шундай жавобини топамиз:

Маҳкам қилиб боғланган камарлар,  
-- Тезрак!  
-- Қанот!  
Қушлар янглиғ учайлик.  
Кенч чўллардан, денгизлардан кечайлик,

Мамлакат ичкарисидаги вазият ўзгарган, болшевиклар бу вазиятни тўла-тўқис идора қилаётган эдилар. Масаланнинг ана шу томони Чўлпонни изтиробга солди. У кўз туггани ва умид қилгани беклар ҳаракати ҳам мустабил тузум олдига ожизлик қила бошлади. Чўлпон 20-йилларнинг бошларидаёқ бу тузумнинг ўзбек халқи учун хайри кечмаслигини баёнлаётган қўлиб ёзди:

Бўрилардан омон кутмак --  
Тентақларнинг ишидир ул!  
Хар монегни хатлаб ўтмак --


Тўғрида энг тўғри бир йўл!  
Зум адида хар бир нарса,  
Эттимомлик, бўйин эзар.  
Асар зум ажизга келса  
Кўз боши-да ера тезар.  
Хайвонларга, инсонларга  
Залим эга банди қолмас.  
Факат эркин инсонларга  
Эза бўлмак мумкин эмас!

... 50-йилларнинг ўрталарида шахста синиши оқибатлари фоти этилиб, қатагон йилларнинг қўлиб қўтулиб қурбонларидан «халқ душмани» тамғаси олиб ташланганига қарамай, Чўлпонни оқлаш ишлари қарийб 90-йилларга қадар мўздилди. Мустабил тузумнинг маддоҳлари наздида уни оқлаш шўро тузумининг байғирлигини тасдиқлаш билан баравар эди. Бу айни пайтда шоир қўқондан қисилиб чиққан наъра -- миллий истиқлол ва тараққиёт наъраси билан ухлаган дилларни ўйотиш, демек эди. Чўлпон 1937 йил азобқўларидан отилганига қарамай, унинг шеърларидаги виждон эрки, истиқлол ва истиқлол учун кураш руҳи ҳамон тирик. У истиқлол жарчиси ва жангисини сифатида ўлмаган эди. Бугун ана шу руҳ мустақиллик самараларини муштақамлаш учун олиб бориётган курашга малад бериб турибди.

Наим КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Қўқон шаҳар «ИИС» жамоа савдо-ишлаб чиқариш корхонасининг юмалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ



Ўзбек адабиёти оғир жудликка учради. Ўзбекистон халқ шоири, замонавий ўзбек болалар адабиётининг асосчиларидан бири, болажон сўз санъаткори Қудус Муҳаммадий 1997 йилнинг 21 июнь кuni 90 ёшида вафот этди.

Бутун онгли ҳаёти ва жўшқин иждоий фаолиятини болалар дунёсини бадий тадқиқ этишга бахшида этган, маданиятимиз ва эътифатимиз ривожини йўлда тинимсиз меҳнат қилган бардаст адибни шайқатсиз ўлим ораминдан олиб кетди.

Қудус Муҳаммадий кўп йиллар давомида атоқли халқ бахисини Ислום шоир Назар ўғлига адабий котиб сифатида фаолият кўрсатиб, халқ оғзак иждоидини ноёб дурдоналари билан яқиндан ошно бўлди. Унинг дастлабки шеърлари 1928 йилдан республика матбуотида босилиб чиқа бошланди. Шундан кейинги қарийб етмиш йиллик иждоий фаолияти давомида ўзбек болалар адабиётининг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. Қудус Муҳаммадий яратган «Уқувчига эсалик», «Табиат алийбеси», «Қирқ ўғил, қирқ қиз», «Қанотли дўстлар», «Оқ гуллар», «Шеърлар ва эртаклар» каби бир неча ўнлаб шеър йиғинлари уни болаларнинг энг севимли шоирларидан бирига айлантирди. Халқимизнинг бир неча авлоди Қудус Муҳаммадийнинг эзгулиққа, олижанобликка, одамийликка, ватанпарварликка, мард-

ликка чорловчи, табиат ва инсонни севишга ундовчи самимиятли шеърларини ўқиб камол топди.

Шоирнинг ўзига хос, бетакрор, халқона шеърини жаҳоннинг жуда кўплаб халқлари тилларида таржима қилинган, хорижлик болалар қалбига ҳам йўл топан.

Қудус Муҳаммадийнинг адабиётимиз, миллий маданиятимиз ва маорифимиз равнақи йўлидаги чинакам захматқашона меҳнати муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон халқ шоири», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқувчи» фахрий унвонлари, Ўзбекистон Давлат мукофоти, «Дўстлик» орденига сазовор бўлган.

Қудус Муҳаммадий табиатан болалек бегубор, камсукум инсон эди. У кўплаб ёшларни адабиёт бўстонига олиб кирган, меҳр билан парварши қилган меҳрибон устоз эди.

Улкан шоир, оққўнгил инсон Қудус Муҳаммадий хотираси қалбимизда доим сақланиб қолади.

БИР ГУРУҲ ДўСТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг деюни жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси Г. А. Крайновга акаси Борис Алексеевич КРАЙНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдарлик изхор қилади.  
Айза РАҲИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур тазия билдиради.  
Ўзбекистон Республикаси Таъқиқ инқисолий алоқалар назирлиги жамоаси «Ўзбекмақдлий-телеком» бирлашмаси бош директори Тоғир Раҳимовга онаси Айза РАҲИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур тазия билдиради.  
«Ўзбектелеком» концерни жамоаси «Ўзбекмақдлий-телеком» бирлашмаси бош директори Т. Раҳимовга онаси Айза РАҲИМОВАнинг вафоти муносабати билан унинг билда ёзолари ва яқинларига чуқур ҳамдарлик билдиради.  
Ўзбекистон маркази нашриёт маркази жамоаси «Ўзбекмақдлий-телеком» бирлашмаси бош директори Тоғир Раҳимовнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур тазия изхор этади.  
Пахтачилик илмий-тадқиқот институти жамоаси бош директори, Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалик фандари академиясининг мухбир аъзоси Сандакбар Раҳмонқўлонга онаси СЎЖИБУВИЙнинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изхор этади.  
«Узтўлтеасноит» давлат акционерлик уюшмаси жамоаси мажур уюшма раисининг ўринбасари Миръазим Мирсолиқонга акаси Мираббос МИРСОЛИҚОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур тазия билдиради.

ФУТБОЛ

НАТИЖА ЗЎР, АММО...

Тошкентга келган кунийк Индонезия терма жамоаси бош мураббийси, голландиялик Хендрик Вуллемс Ўзбекистон -- Индонезия терма жамоалари ўртасидаги жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувида меъзоблар ғалаба қозониши ёки дуранг натижа қайд этилишини башорат қилган эди. Гарчи ушбу учрашув олдидан индонезияликлар назарий жиҳатдан кейинги босқичга чиқиш имкониятини юз фоиз йўқотишмаган бўлса-да, уларнинг бош мураббийси нега олдидан мағлубиятни тан олганлиги сабабини учрашувдан сўнгги матбуот конференциясида билдик. Аввало, ўйин ҳақида...



Ўйин футболчиларимизнинг ҳужуми билан бошланди. Шу кунги дастлабки дақиқалардан оқсоғий таркибда майдонга тушган ҳужумчи Шухрат Мақсудов ўзининг елиб-югуриши, жонкуярлиги билан тезда кўзга ташланди. Бироқ кўнғил ўйини дарҳол қовушиб кетавермади. Шунда Олег Шахих ҳужум чизғида ташаббусни ўз қўлига олди. 11-дақиқада чап қанотдан Николай Ширшов меҳмонлар жарима майдони томон тўғни кучли зарб билан айллади. Гарчи бу йўналишга Олег Шахих етиб келолмаган бўлса-да, ҳимоячилар қайтган тўп йўлига ҳоҳир бўлиб, уни дарвозага киритди. Ҳисоб очилди -- 1:0. Тошошбинларнинг ўрнидан туриб, қўлларини кўтаришдан ҳосил бўлган тўғни стадион бўйлаб айлана бошлади. Бу, бир томондан, мухлисларнинг футбол бўлди ва мизининг маҳоратини оқшиллаш бўлса, иккинчи томондан, терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида қатнашаётган кунларини қўришдан бахтирлик, маърурик навишана эди, десак, ҳаҳо қилмаймиз. Айниқса, 36-дақиқада Олег Шахих ва Шухрат Мақсудов қўшма ҳимоясининг натижасида сўнг, «Нефтчи» клуби аъзоси юқори техник маҳорат билан тўғни дарвозага киритган, стадион бўйлаб айланаётган тўғни янада авж олди.

Иккинчи бўлимининг индонезиялик футболчилар ўз ҳужумлари билан бошлаб беришди. Чўки энди уларнинг ҳимоядан омад кўтишига ҳеч бир асос қўлмаганди. Лекин бу бўлим деярли тенг кураш остида ўтиб. Меҳмонларда ҳам, бизнинг футболчиларда ҳам дарвозани ишғол этиш учун бир қатор қўлай вазиятлар юз берган бўлса-да, уларнинг биттасидан унумли фойдаланишди, ҳолос.

Стадион суҳандони, мутахассислар индонезияликлардан Рақки Ритару ва Вилодо Пут-

рани, вакилларимиздан Николай Ширшов ва Шухрат Мақсудовни учрашувнинг энг яхши ўйинчилари, деб топганлигини эълон қилиб турган бир пайтда Шухрат учрашувдаги ўзининг иккинчи тўғини киритди. Шундай қилиб, Ўзбекистон терма жамоаси ўз тарихидаги 34-расий учрашувда 18-ғалабага эришти (3:0). Бу терма жамоамизга ўз гуруҳида биринчи поғонага кўтарилиш имконини берди (Жадвалга қаран).

Учрашувдан сўнгги матбуот конференциясида Хендрик Вуллемс бор-йўри бир олддан буён Индонезия терма жамоасига устозлик қилаётганини, ўйинчиларини шахсан ўзи сараламаганлигини ва олдларига Францияга йўланма олишини мақсад қилиб қўйишмаганлигини очик эътироф этди. Шунингдек, эълеме Ўзбекистон терма жамоасининг ҳам жаҳон чемпионатининг финал босқичига чиқишига шўба билан қарашини айтди. Бунини у терма жамоамизнинг ўйин даираси билан эмас, балки Осиё футболдан ҳали тўлиқ бехабарлиги боис жаҳон терма жамоалари рейтинг руйхатида қўнғилнинг бир қатор вакиллари Ўзбекистондан юқори поғоналарини эгаллаб турганлиги билан изҳолди.

Терма жамоамиз мураббийларидан бири Юрий Саркисян эса, 29 июнда Камбоджа билан ўйинда вакилларимизнинг кейинги босқичга йўланма олиш масаласини юз фоиз ҳал этишини, ўз навбатида терма жамоа сафида бир қатор ўзгаришлар бўлишини маълум қилди. «Терма жамоамизга тақлиф этиладиган «янги кўчлар» кимлар



бўлади?» деган саволга Саркисян: «13 июлда Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон -- Яман терма жамоалари ўртасидаги учрашув кўп жиҳатдан бунга ойдинлик киритди».

Гарчи Ўзбекистон терма жамоаси 5-гуруҳ баҳсларида муваффақиятли қатнашаётган бўлса-да, вакилларимизнинг ўйин даражаси кўпчилик мухлислар каби мураббийларимизга ками қаноатлантирмаётганлиги маълум.Zero, Индонезия терма жамоаси дарвозасига киритилган уч тўғининг биттаси вакилларимизнинг ҳақиқий комбинация уюштириши орқали, қўлган иккитаси эса рақиб ҳимоячиларининг ҳатоси туфайли амалга ошди. Олдидан эса бизни индонезияликлардан кучлироқ рақиблар кўтүпти. Бу матбуот конференциясида ҳам алоҳида таъкидланди.

Расул ЖУМАЕВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

**БОШ МУҲАРРИР**  
Аббосхон УСМОНОВ

**ХАЛҚ СЎЗИ**  
НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**БЎЛИМЛАР:**  
Парламент 33-57-34;  
Хатлар 33-07-48;  
Хўж ва қонунчилик 36-37-85;  
Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;  
Маънавият 36-35-60;  
Тунси муҳарририят 33-10-28;  
Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001  
Буторпта Г — 0377, 46.094 нўсхда босилди,  
ҳажми — 2 табок. Оффсет усулида босилган.  
Қоғоз бичими А—2  
Газета ИВМ компютерида терилди  
ва операторлар Рустам АЗИМОВ,  
И. РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Жалил.  
Навбатчи — Ф. Сайяев.  
Мусахҳиҳ — Ш. Режапов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.  
Босиниға топириши вақти — 21.00

Босиниға топирилди — 23.20

1 2 3 4 5 6